

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ҚУРОЛ МУОМАЛАСИНИ
ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ**

Аминов Шариф Насимович

Ўзбекистон Республикаси

ИИВ Академияси доценти, (PhD)

Tashtemirov Anvar Aliqulovich,

O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi,

Ma'muriy huquq kafedrası dotsenti

Аннотация

Мазкур илмий мақолада Ўзбекистон Республикасида қурол муомаласини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ва тизими ҳар томонлама таҳлил қилинган. Хусусан, амалдаги қонунчилик нормалари, давлат органларининг ваколатлари ҳамда қуролларнинг қонуний айланишини таъминлаш механизмлари ўрганилган. Шунингдек, қурол муомаласи соҳасида мавжуд муаммолар, уларнинг сабаблари ва оқибатлари илмий жиҳатдан асослаб берилган ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Мақолада миллий қонунчиликни такомиллаштиришда халқаро тажрибанинг аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар

қурол муомаласи, ҳуқуқий тартибга солиш, жамоат хавфсизлиги, қонунчилик, лицензиялаш, назорат механизми, ҳуқуқбузарлик, профилактика, давлат органлари, халқаро тажриба.

Ўзбекистон Республикасида қурол муомаласи масаласи жамият хавфсизлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш тизимида муҳим ўрин тутади. Замонавий глобаллашув шароитида қуролларнинг ноқонуний айланиши, улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг ортиб бориши давлат томонидан ушбу соҳани самарали ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этмоқда. Шу боис қурол муомаласига оид муносабатларнинг аниқ ҳуқуқий механизмлар асосида тартибга солиниши долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида қурол муомаласини тартибга солишнинг ҳуқуқий тизими Конституция нормалари, махсус қонунлар, қонун ости ҳужжатлари ҳамда ваколатли давлат органлари фаолияти орқали амалга оширилади. Ушбу тизимнинг асосий мақсади — жамоат хавфсизлигини таъминлаш, қуролларнинг қонуний айланишини назорат қилиш ва улардан фойдаланишда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат.

Кўтарилаётган масаланинг долзарблиги шундаки, қурол муомаласини самарали ҳуқуқий тартибга солиш орқали нафақат жиноятчилик даражасини пасайтириш, балки жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга ҳам эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида қурол муомаласини тартибга солишнинг ҳуқуқий тизими бир неча ҳуқуқий манбалар — Конституция, қонунлар, кодекслар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатнинг ҳуқуқий тизимини белгилайди, жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлашни давлат мажбурияти сифатида ўз ичига олади. Конституциянинг умумий ҳуқуқий тамойиллари негизида қурол муомаласи бўйича махсус қонунлар ишлаб чиқилган.

Конституция суд тизими, қонун устуворлиги ва фуқаролар ҳуқуқлари устуворлигини белгилайди, бу қурол муомаласини тартибга солувчи қонунларнинг амалда самарали бўлиши учун муҳим меъёрий асосни яратади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида ижтимоий муносабатлар жараёнида қурол билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи, содир этилган жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларга нсбатан жавобгарлик белгиловчи бир неча нормалар қайд этилган.

Ушбу нормалард жамиятда шахсларнинг ижтимоий муносабатлар жараёнида қурол билан муомила қилиш, яъни ундан фойдаланиш, уни сақлаш ёки тасарруф этиш билан боғлиқ қоидалар қатъий тартибга солинган бўлиб, улар фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, жамиятда хавфсизликни таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 6-бўлим (Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар), XVII боби (Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар)да Ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш (247-модда), Ўқотар қуролнинг, ўқ-дориларнинг, ўқотар қурол асосий қисмларининг, портловчи моддаларнинг, портлатиш воситаларининг ёки портлатиш қурилмаларининг қонунга хилоф муомаласи (248-модда), Қуролни ва унинг ўқ-дориларини сақлаш, олиб юриш, ташиш қоидаларини бузиш (249-модда) каби жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, мазкур норма фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, қуролдан нотўғри фойдаланиш ортидан юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни камайтириш ва жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг XV боби (Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик) да, Қуролдан белгиланган тартибни бузган ҳолда

фойдаланиш (185-модда), Совуқ қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юриш (185²-модда), Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаровий ва хизмат қуроли сифатида муомалада бўлиши тақиқланган ашёларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши (185³-модда), Қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг муомалада бўлиши қоидаларини бузиш (220-модда), Қуролнинг қонунга хилоф муомаласи (220¹-моддаси), Қуролни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) қоидаларини ёки унинг муомаласи соҳасидаги рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш қоидаларини бузиш (221-модда) каби ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган. Мазкур нормалар эса қурол билан боғлиқ жиноятларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, оғир оқибатлар келтириб чиқармайдиган маъмурий ҳуқуқбузарликларга нисбатан жавобгарлик белгилаш билан бирга жамиятда ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу билан бирга жамиятда ҳуқуқий маданияти юксалишига ёрдам беради ва фуқароларнинг ҳуқуқий масъулиятини оширади. Қурол билан боғлиқ қонунчилик нормаларининг ижтимоий аҳамияти шундаки, улар хавфсизликни таъминлайди, жамиятда тартибни сақлайди, қуролдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари ва ҳуқуқбузарликни камайтиради, қонун олдида барча учун тенгликни таъминлайди ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва ахлоқий меъёрларга риоя қилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги “Қурол тўғрисида”ги ЎРҚ-550 сонли Қонуни қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини, мулкни ҳимоя қилишга ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Ушбу қонун 6 та боб, 46-та модда ва 2 та илова (биринчи илова: Хизмат қуролига эгалик қилишга монелик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар рўйхати, иккинчи илова: Фуқаровий қуролга эгалик қилишга монелик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар рўйхати) ни ўз ичига олган бўлиб, унда қуролларнинг турлари ва таснифи, чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотлар, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари муомаласининг ўзига хос хусусиятлари, фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари муомаласи соҳасида лицензиялар ва рухсатномалар бериш билан боғлиқ талаблар қайд этилган. Шунингдек мазкур қонун билан фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари муомаласига белгиланадиган чекловлар, қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар, фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳам белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407 сонли қонунининг 16-моддасида Ички ишлар

органларининг мажбуриятлари кўрсатилган бўлиб, ана шу мажбуриятлардан бири сифатида, фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини уларнинг ҳақини тўлаш шарт билан олиб қўйиш тўғрисидаги суд қарорларини ижро этиши белгилаб қўйилган, яъни қурол билан муомила қилишга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳатти ҳаракатига нисбатан жазо қўллаш тўғрисида жинойт ишлари бўйича судлар томонидан чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарда бўлган фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини уларнинг ҳақини тўлаш шарт билан олиб қўяди. Бундан ташқари, ИИОлари ходимларига профилактика тадбирлари доирасида фуқаровий ва хизмат қуролига эга бўлганларнинг ҳисобини юритиш, ушбу маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириш мажбурияти ҳам юклатилган.

Мазкур қонуннинг 17-моддасида ИИОлари ходимларининг ҳуқуқлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра ИИОлари ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини амалга ошириш чоғида:

- фуқароларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини текшириш, агар уларда қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив ёки заҳарли моддалар, портлатиш қурилмалари, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, прекурсорлар ёхуд муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган бошқа нарсалар бор деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлганда эса, фуқароларни шахсий кўрикдан ўтказишни, уларнинг ашёларини, қўл юқини, багажини кўрикдан ўтказишни амалга ошириш ҳамда мазкур нарсалар, воситаларни ва моддаларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни олиб қўйиш;

- фуқаровий ва хизмат қуроли, унинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар, алюминий қуқунлари ва қурумлари муомалада бўладиган соҳада фаолиятни амалга ошираётган объектларнинг маъмурий, ишлаб чиқариш, омборхона ва ёрдамчи биноларига мазкур соҳада қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш юзасидан ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун хизмат гувоҳномасини ҳамда белгиланган тартибда бериладиган махсус рухсатномани кўрсатган ҳолда тўсқинликсиз кириши белгилаб қўйилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўқотар қурол ва унинг ўқ-дорилари ноқонуний муомаласининг олдини олиш, уларни ихтиёрий равишда топширган шахсларни тақдирлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг ҳуқуқий механизмларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда ўзаро мувофиқлаштириш зарурати юзага келганлиги сабабли, **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 25 мартдаги “Қурол тўғрисидаги қонунчилик**

такомиллаштирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг «Рўйхатга олинмаган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини, портловчи материаллар ва портлатиш қурилмаларини ички ишлар органларига ўз ихтиёри билан топшириш ҳамда ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларини топширганлик учун тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2023 йил 25 июлдаги 310-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги **179-сонли қарор тасдиқланди.** Мазкур қарорда ўқотар бўлмаган (пневматик, сигнал берувчи, тигли совук, улоқтириш ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш) қурол турларига доир тушунчалар берилди, ички ишлар органлари томонидан қабул қилинган ўқотар қурол ва унинг патронларини криминалистик ҳамда марказлашган ахборот-қидирув тизимлари орқали ўрганиш ва дастлабки текширувларни ташкил этиш механизминини ўқотар бўлмаган қурол турларига татбиқ этиш масаласи киритилиши билан бирга ўқотар бўлмаган қурол турларинини ўз ихтиёри билан топширганлик учун пул мукофоти билан тақдирлаш амалиётини жорий этилди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида қурол муомаласини тартибга солишнинг ҳуқуқий тизими жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш ҳамда жиноятчиликка қарши самарали курашишда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, амалдаги норматив-ҳуқуқий база қуролларнинг қонуний айланишини тартибга солиш учун муайян даражада етарли бўлса-да, мазкур соҳада айрим муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд.

Хусусан, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш ва шаффофлаштириш, назорат механизмларини кучайтириш, рақамли технологияларни жорий этиш орқали ҳисоб ва мониторинг тизимини такомиллаштириш зарур. Шунингдек, қурол муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактик чора-тадбирларни кенгайтириш ва аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, халқаро тажрибани ўрганиш ва уни миллий қонунчиликка мослаштириш орқали қурол муомаласини тартибга солишнинг самарадорлигини янада ошириш мумкин. Ушбу йўналишда комплекс ёндашувни қўллаш, давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқий механизмларни изчил равишда такомиллаштириш келгусида ушбу соҳада барқарор ва самарали тизимни шакллантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlis va O‘zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. 2025 yil 26 dekabr. <https://president.uz/uz/lists/view/8834>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони // <http://www.lex.uz>.

3. Аминов Ш. Н. Жиноятларни «иссиқ изидан» фош этишда тезкор-техник воситаларни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2026. – Т. 5. – №. 49. – С. 10-18.

4. Аминов Ш. Н., Асрақулов М. М., Мирсалихова Г. А. Киберфирибгарликни фош этишда тезкор хизмат ходимлари томонидан амалга ошириладиган ҳамкорликнинг айрим жиҳатлари //FARS International Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2026. – Т. 14. – №. 2. – С. 149-159.

5. Аминов Ш. Н., Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишнинг илғор тажрибаси //World of science. – 2025. – Т. 8. – №. 3. – С. 129-137.

6. Аминов Ш. Н. Понятие и особенности преступлений кибертерроризма //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 29. – С. 21-27.

7. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Универсальная индексная библиотека Евразийского журнала права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.

8. Таштемиров А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларининг тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари //Универсальная индексная библиотека Евразийского журнала технологий и инноваций. – 2024. – Т. 2. – №. Special Issue 6. – С. 25-32.

9. Aliqolovich T. A. et al. “Al-Xorazmiy” mahallasi misolida profilaktika inspektorining huquqbuzarliklar profilaktikasida “mahalla yettiligi” bilan hamkorligining strategik modellari va huquqiy asoslari //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2026. – Т. 5. – №. 40. – С. 14-21.

10. Aliqolovich T. A. et al. Haqorat bilan bog 'liq jinoyatlarni o 'z vaqtida aniqlash va oldini olishda media makonni monitoring qilishning ahamiyati //Journal of innovations in scientific and educational research. – 2026. – Т. 9. – №. 3. – С. 48-54.

11. Таштемиров А. А., Комилов А. М. О ‘. Одам савдоси жиноятига қарши курашишни такомиллаштиришга оид айрим мулоҳазалар //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 135-138.

12. Asilbek O'tkir o'g N. et al. Ma'muriy nazorat o 'rnatilgan shaxslarga sud organlari tomonidan belgilangan cheklovlarga rioya etilishini nazorat qilish faoliyatining o 'ziga xos xususiyatlari //Ijodkor o'qituvchi. – 2025. – Т. 5. – №. 54. – С. 11-17.

13. Мирзахмедов А. М., Аминов Ш. Н., Холматов Ғ. М. Таълим сифати–ижтимоий тараққиёт омили //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 5. – №. NUU Conference 2. – С. 424-432.

14. Холматов Ғ. М., Аминов Ш. Н. Фарғона водийсида жадидлик: миллий маданият муаммолари //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 5. – №. NUU Conference 2. – С. 848-856.